



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 221 (13.034)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИ БАРҚАРОР ВА ИСТИҚБОЛЛИ

Президентимиз Ислам Каримов фармойишига мувофиқ жорий йилнинг 5-6 ноябрь кунлари пойтахтимизда Халқаро инвестициявий форум бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли анжуманда 250 дан ортиқ хорижий компаниялар, халқаро иқтисодий ва молиявий тузилмаларнинг раҳбар ҳамда вакиллари, олим ва экспертлар иштирок этди. ЎЗА мухбирлари анжуман қатнашчилари билан суҳбатда бўлди.



Эдгар КЛОЗЕ, Бранденбург Технологиялар ва инновациялари ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш институти бошқаруви раиси, профессор (Германия):

— Ушбу нуфузли форумга тақдир этилганимдан бахтиёрман. Президент Ислам Каримов томонидан пухта ва ғоят тўғри ишлаб чиқилган, машҳур беш тамойилга асосланган тараққиётнинг "Ўзбек модели" асосида Ўзбекистон барча соҳада юксак натижаларга эришмоқда. Юртингизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида инсон манфаатларини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш, аҳоли турмуш тарзини юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялаш каби хайрли мақсадлар мужассам экани диққатга сазовор.

Халқаро инвестициявий форум Ўзбекистон иқтисодиётининг янада раванқ топишига хизмат қилиши шубҳасиз. Хорижий ишбилармонлар, жумладан, Германия бизнесменлари Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор. Зеро, Ўзбекистон бозори Марказий Осиёдаги энг йирик ва истиқболли бозордир.

Тай Хён ЧИ, "D&N International" компанияси бош ижроочи директори (Жанубий Корея):

— Ўзбекистон иқтисодиёти юксак суръатларда ривожланмоқда. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида ҳам мамлакатингизда ялпи ички маҳсулот ўсиши 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётди. Бу мамлакатингиз иқтисодиётига инвестиция қилишга катта ишонч бағишлайди.

Ўзбекистонда саноатнинг барча тармоғига юқори технологиялар, ноу-хаулар жорий этилмоқда ва бу орқали ишлаб чиқаришда катта натижаларга эришиляпти. Жанубий Корея бу борада Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилаётди. Биз мамлакатингиздаги сармоявий муҳит ҳақида тўлиқ маълумотга эгамиз. Халқаро анжуман доирасида Ўзбекистон компаниялари билан музокара ўтказишни, ҳамкорлик учун муайян бизнес йўналишини танлашни режалаштирганимиз.

Луизи ИПЕРТИ, "Италия-Ўзбекистон" қўшма савдо палатаси президенти, "Techint Industrial Corporation Spa" компанияси вице-президенти ва ижроочи директори (Италия):

— Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётнинг барча тармоғига хориж сармоясини жалб этишга алоҳида эътибор қаратиляётди. Бу соҳада қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар хорижий сармоядорларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қизиқишини оширмоқда.

Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги алоқалар саноат, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва мода каби қўллаб-қувватлаш соҳаларда изчил тараққиёт этмоқда. Хусусан, ташкилотимиз 15 йилдан зиёд вақт мобайнида мамлакатингиз билан савдо ҳамда сармоявий соҳаларда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу муносабатларни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда янги юқори технологик ишлаб чиқаришларни барпо этиш, тўқимачилик саноатини ривожлантиришда фаол қатнашиш ниятидамиз. Бу борада Тошкентда ўтказилгандаги Халқаро инвестициявий форумнинг аҳамияти катта. Ушбу халқаро анжуман мамлакатингизда бизнес юртишининг истиқболли йўналишлари билан яқиндан танишиш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, янги қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш юзасидан музокара олиб бориш имконини беради.

Хуан Рамон ДУРАН, "SERCOBE" саноат жиҳозлари ишлаб чиқарувчилар уюшмаси бош директори (Испания):

— Уюшмамиз таркибидаги 350 дан зиёд компания нефть-газ, тўқимачилик, машинасозлик, энергетика каби соҳаларда иш юритади.

Халқаро инвестициявий форум ишбилармонлар учун жуда фойдали бўлишига ишонаман. Хусусан, уюшмамиз таркибидаги компанияларга мамлакатингизда сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш, қўшма корхоналарни ташкил этиш имконини беради. Юртингиздаги турли корхоналар билан танишиш, талаб ва тақлифларни ўрганиш, самарали келишувларга эришиш учун замин яратди.

Ирода УМАРОВА,
Ноҳира МАНЗУРОВА
ёзиб олди.



ЯНГИ МАДАНИЯТ МАСКАНИ АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Куни кеча Миробод туманидаги 1-сонли Маданият ва аҳоли дам олиш марказининг очилиши ҳам аҳоли, айниқса ёш авлоднинг бўш вақти самарали ўтишини таъминлаш шубҳасиз.

Шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бoshқармаси, Тошкент шаҳри ҳамда Миробод тумани ҳокимликлари томонидан таъмирланиб, фойдаланишга топширилган марказнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар томонидан юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг ўз қизиқиши бўйича касб-хўна тарлашишга қўллаш борасида кенг қўллаш ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

— Замон талаблари асосида барпо этилган Маданият ва аҳоли дам олиш марказларида номоддий маданий меросларимиз ҳисобланган санъатимиз ва халқ оғзаки ижодиининг дурдоналарини тарғиб қилиш мақсадида бир қатор тўғарақлар ташкил этилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бoshқармасининг бош мутахассиси Лола Каримова. —

Жумладан, кейинги пайтларда Бектемир, Мирзо Улуғбек, Юнусобод туманларида Маданият ва аҳоли дам олиш марказларини капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди.

Эндиликда "Баротхўжа", "Матонат", "Парвона" маҳаллалари аҳолиси, 213-, 215-, 218-умумтаълим мактаблари ўқувчи-ёшлари 1-сонли Маданият ва аҳоли дам олиш марказида яратилган кенг имкониятлардан жуда манунлар.

— 2-типдаги Маданият ва аҳоли дам олиш марказимиз 250 ўринли томоша залига эга бўлди, шунингдек, миллий чолғу ижрочилиги ва жамоалари, рақс, вокал, хўнарандчилик, тикувчилик, ҳамширалик, сартарошлик тўғарақлари, хаваскорлик театр студияларининг очилгани ёшларнинг бундай йўналишларда таълим ва тарбия олишига йўл очди, — дейди 1-сонли Маданият ва аҳоли дам олиш маркази бадий раҳбари Наргиза Пулатова. — Спорт секциялари юртдошларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашга замин яратди. Шу билан бир қаторда кўп функцияли залларда қизи-

қарли ва марокли томошалар, тантанали тадбирлар, интеллектуал ўйинлар бўйича мусобақалар, кўргазмалар, фестиваллар ва кўрик-танловларни аҳолини жалб этган ҳолда ташкил этиш ва ўтказиш режалаштирилган.

1-сонли Маданият ва аҳоли дам олиш маркази директори Абдуқайом Акбаров бошчилигида кўп йиллик тажрибага эга вокал тўғараги раҳбари Тоҳиржон Аҳмедов, либослар бўйича модельер Зухра Хайдарова билан бир қаторда тасвирий санъат тўғараги бўйича Зарнигор Мирзаева, рақс бўйича Барно Отанова ва бошқа ўз касбининг устаси бўлган мутахассислар тўғарақларда фаолият олиб боришмоқда.

— Дарсдан бўш вақтларимда марказдаги тасвирий санъат тўғарагига қатнашаман, — дейди 213-умумтаълим мактаби ўқувчиси Сайфиддин Нейматов. — Бу ерда тасвирий санъат бўйича билим ва кўникмаларим ошмоқда. Расм чизишдан ташқари футбол, кураш, сузишга қизиқаман.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислам Исмоилов
олган суратлар

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг маданий-маърифий билимларини ошириш, уларнинг бўш вақтини самарали ва мазмунли ўтказишга қўллаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги "2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида шахримизда барча шарт-шароитларга эга маданият ва аҳоли дам олиш марказлари капитал таъмирланиб, реконструкция қилиниб, янгилари қуриб битказилмоқда.




МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қаршида "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари қонун ҳимоясида" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлими ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Қашқадарё вилояти минтақавий вакили, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" республика кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган маҳалла фуқаролар йиғинларининг 13 нафар маънавият тарғиботчиси уч шарт бўйича ўзаро баҳслашди.

● Наманганда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси доирасида маънавий-маърифий тадбир ва миллий либослар кўргазмаси бўлиб ўтди. Тадбир якунида "Энг намунали хотин-қизлар кўмитаси бошланғич таъкилот" номинацияси бўйича маҳалла, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, корхона ва ташкилотларнинг хотин-қизлар кўмиталари бошланғич таъкилотларидан ғолиблар аниқланди. Миллий урф-одат, анъаналаримизни замонавий талаблар билан уйғунлаштириш, миллий либосларнинг аҳамияти, ўқув марказлари фаолиятига доир маъруза ва суҳбатлар, бадий дастурлар тадбирни мазмунан янада бойитди.

● Бухорода "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" мавзусида ўтказилган адабий-маърифий тадбирда вилоятдаги шоир ва ёзувчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.



● Кеча Шарқий Тиморда 6,3 магнитудали зилзила содир бўлди. Ер силкинишларининг маркази мамлакат пойтахти Дили шаҳридан ғарбга томон 77 километр узоқликда қайд этилди. Қурбонлар ва вайронагарчиликлар тўғрисида ҳозирча маълумотлар йўқ.

● Индонезиянинг Бали оролида ва унинг шарқий томонида жойлашган Ломбока шаҳридаги аэропортлар вулқон отилиши сабабли эртага эрталабга қадар фаолият кўрсатмайдиган бўлди.

● 2022 йили Хитойда қишки Олимпиада ўйинлари ўтказилиши муносабати билан Пекин ҳамда Чжанцзякоу шаҳарларини ўзаро боғловчи янги темир йўл магистралли барпо этилади. Юқори тезликда ҳаракатланадиган поездларга мўлжалланган ушбу коммуникация тармоғини қуриш лойиҳасининг умумий қиймати 9,2 миллиард АҚШ долларига баҳоланмоқда. Темир йўлнинг узунлиги 174 километрни ташкил этади.

● "Sony Pictures Television Networks" глобал телетармоғи 177 давлат аҳолиси эътиборини забт этган телеканалларида янги акция бошлаганини эълон қилди. "Тасаввур қил" ("Picture This") шиори остида ташкил этилган лойиҳадан мақсад — томошабинлар диққатини долзарб экологик муаммолар ва уларнинг ечимини топишга жалб этиш. Ушбу гоёни "AXN", "Sony Channel", "Sony One", "Sony PIX HD" сингари ўнлаб телеканаллар қўллаб-қувватлади ва ўз дастурларини шунга мувофиқ тузишга аҳд қилди.

М.ҚАШИБОВ,
ЎЗА мухбири

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ИННОВАЦИЯЛАР

Мамлакатимиз дастурий маҳсулотлар бозорида кенг турдаги инновацион ишланмалар тақдим этилмоқда. Ушбу ишланмаларнинг жорий этиш ташкилотларга бошқарув жараёнини соддалаштириш, қўл меҳнатини автоматлаштириш ёки сезиларли қисқартириш имконини бермоқда. "Верго" дастурчилар маркази томонидан тиббиёт муассасалари учун тайёрланган "MedData" автоматлаштирилган ахборот тизими шундай маҳсулотлар сирасига киради.

"MedData" автоматлаштирилган ахборот тизими Сирдарё вилоятидаги 14, Тошкент шаҳар Яқкасарой туманидаги 4 поликлиника, шунингдек, Республика перинатал марказида жорий этилган. Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни такомиллаштиришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

— Мазкур тизимда "Поликлиника" ва "Стационар" режимлари мавжуд, — дейди "Верго" дастурчилар маркази лойиҳаси раҳбари Ирина Бергер. — Масалан, поликлиникада "Поликлиника рўйхатга олиш бўлими", "Поликлиника шифокори", "Статистика" каби модуллар қўлланилади. Маълумотлар базасидан фойдаланишнинг тегишли даражасига мувофиқ, ҳар бир ходимнинг профили яратилади. Жумладан, рўйхатга олиш бўлими ходими ҳар бир шифокорнинг иш жадвалини, шифокор эса беморларнинг электрон картончалари ва касаллик тарихини кўриш ҳуқуқига эга.

"MedData" автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилган тиббиёт муассасалари ходимларининг таъкидлашча, соғлиқни сақлаш тизимида янги ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилаётгани беморлар ва соҳа

ходимлари учун қулайликлар яратмоқда. Бундан ташқари, шифокорлар масъулиятини ошириб, тиббиёт ходимларини марказлаштирилган ҳолда назорат қилиш имконини беради.

— Аксарият ҳолларда беморлар поликлиникада тиббий кўрик ёки даволаниш билан боғлиқ бўлмаган жараёнларга кўп вақт сарфлайди, — дейди Республика перинатал марказининг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича етакчи мутахассиси Павел Ким. — Мисол учун, бемор рўйхатга олиш бўлимида, шифокор қабулига навбатга турганда, анкета тўлдирилаётганда ва дори қозғоғи ёзилаётганда ортиқча кутиб қолади. "MedData" автоматлаштирилган ахборот тизимининг жорий этилиши ушбу жараёнларни сезиларли даражада оптималлаштириш имконини берди. Хусусан, беморларнинг амбулатория карталари компьютерда ўқиладиган шаклга ўтказилиб, рўйхатга олиш бўлими фаолияти автоматлаштирилди.

Замонавий электрон тизимлардан фойдаланиш самарасида реал вақт режимида тиббий маълумотлардан фойдаланиш имконияти пайдо бўлиб, тиббиёт ходимларининг меҳнати энгиллашмоқда. Фаолият самарадорлиги ва кўрсатилган хизматлар сифати ошмоқда.



Кўргазмалар

ТАСВИРЛАРНИНГ ЁРҚИН ТАЛҚИНИ

Ўзбекистон Давлат санъат музейида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Ортиқали Қозоқовнинг "Ёрқин қадриятлар тараннуми" мавзудаги кўргазмаси очилди.

Кўргазмадан рассомнинг элликдан зиёд асарлари ўрин олган бўлиб, ҳар бир расмда миллий қадриятларимиз ҳамонангилги тасвирланган юртимизнинг байрамлари, она табиат ва инсон ўртасидаги кўзга кўринмас узвий боғлиқлик ёрқин рангларида акс эттирилган. Айниқса "Наврўз", "Ўзбек кураши", "Она", "Гавхаршодбегим", "Сароймулхоним" портретлари рассомнинг ўз юртига садоқати ва урф-одатларига бўлган юксак эҳтиромини кўрсата олади.

Ортиқали Қозоқов Ўзбекистон Бадий академияси бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, академиянинг олтин медали соҳиби ва Халқаро мукофотлар, диплом ҳамда сертификатлар билан тақдирланган.

Шу ўринда айтиш жоизки, рассомнинг ижоди ҳақида китоблар, монографик альбомлар чоп этилган, ҳужжатли фильм суратга олинган. Ижодкорнинг юртимизда ўндан ортиқ кўргазмалари ташкил этилган. Асарлари нафақат Ўзбекистонда балки АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Жанубий Корея, Хитой, Япония каби дунёнинг кўплаб мамлакатлари шахсий коллекция ва галереялардан жой олган.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг нуфузли идора ва муассасалари музейларида қатор картиналари намойиш этиб келинмоқда. **Зафар НАЗАРОВ**
СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа
Алексей Попов олган сурат

ЯНГИ НОМЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасининг 2012 йил 16 октябрдаги "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарори, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2012 йил 24 октябрдаги қарорига мувофиқ, Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Тошкент шаҳар комиссиясининг хулосасига асосан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан яқинда "Тошкент шаҳридаги баъзи географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида" қарор қабул қилинди.

Қуйида ушбу қарор бўйича пойтахтимизда тартибга келтирилган жой номлари эътиборингизга ҳавола этилади.

№	Жойнинг ҳозирги номи	Жойнинг янги номи	Изоҳ
Юнусобод тумани бўйича:			
1.	Номсиз янги тор кўчалар	Гиштқўрғон 1,2-тор кўчалари	Туташ кўчалар номларини уйғунлаштириш мақсадида. "Ҳамкоробод" маҳалласи
2.	Номсиз янги тор кўчалар	Ҳамкоробод 9,10-тор кўчалари	Туташ кўчалар номларини уйғунлаштириш мақсадида. "Ҳамкоробод" маҳалласи
3.	Номсиз янги берк кўча	Ҳамкоробод берк кўчаси	Туташ кўчалар номларини уйғунлаштириш мақсадида. "Ҳамкоробод" маҳалласи
4.	Янгиҳаёт берк кўчаси (такрор)	Кулолқўрғон 9-берк кўчаси	Туташ кўчалар номларини уйғунлаштириш мақсадида. "Кулолқўрғон" маҳалласи
Олмазор тумани бўйича:			
5.	Номсиз янги тор кўчалар	Сағбон Октепа 6,7,8-тор кўчалари	Туташ кўчалар номларини уйғунлаштириш мақсадида. "Гулзор" маҳалласи
6.	Номсиз янги берк кўчалар	Сағбон Октепа 1,2,3-берк кўчалари	Туташ кўчалар номларини уйғунлаштириш мақсадида. "Гулзор" маҳалласи
7.	Номсиз янги кўча	Хислатобод кўчаси	Янги ташкил этилган кўча номини маҳалла номи билан уйғунлаштириш мақсадида. "Хислат" маҳалласи
8.	Номсиз янги тор кўчалар	Хислатобод 1,2,3,4,5,6,7,8,10,11-тор кўчалари	Туташ кўчалар номларини уйғунлаштириш мақсадида. "Хислат" маҳалласи
Учтепа тумани бўйича:			
9.	Номсиз янги кўча	Иззаарик кўчаси	Жойдан ўтайдиган ариқ номи билан уйғунлаштириш мақсадида. "Чўпонота" маҳалласи
10.	Номсиз янги тор кўчалар	Иззаарик 1,2,3,4-тор кўчалари	Туташ кўчалар номларини уйғунлаштириш мақсадида. "Чўпонота" маҳалласи
11.	Номсиз янги берк кўча	Иззаарик берк кўчаси	Туташ кўчалар номларини уйғунлаштириш мақсадида. "Чўпонота" маҳалласи
Миробод тумани бўйича:			
12.	А.Чехов кўчаси	Фидокор кўчаси	Фидойи, садақотли маъносиди. Кўча номини тартибга келтириш мақсадида
Шайхонтоҳур тумани бўйича:			
13.	Янги тор кўча	Нуробод 5-тор кўчаси	Шу номдаги кўчанинг давоми бўлгани учун. "Зафаробод" маҳалласи
14.	Шуманай 7-тор кўчаси	Афзал кўчаси	Жойнинг аввалги номини тиклаш мақсадида. "Зафаробод" маҳалласи
15.	Кизилгунча кўчаси (такрор)	Нурфайз кўчаси	Туташ Шофайз кўчаси номи билан уйғунлаштириш мақсадида. Маннон Уйғур номи маҳалла
Яккасарой тумани бўйича:			
16.	Номсиз хиёбон	Пушкин хиёбони	Шоир хайкалининг Мирзо Улуғбек туманидан Яккасарой туманига кўчирилиб, жойда янги хиёбон ташкил этилгани учун

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"REAL AUCTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда: **1.** Суд департаменти Тошкент шаҳри ҳудудий бошқармаси томонидан тақдир қилинган савдоларига: 1739/3-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, 1 мунош, Муқимий кўчаси, 3-уй, манзили бўйича сакланаётган: **1.** Бошланғич баҳоси – 48 233 689 сўм, 2001 йилда и/ч., дав/рак: М3727, "Тойота ЛАНД КРУЗЕР" русумли носоз; **2.** Бошланғич баҳоси – 26 566 736 сўм, 2005 йилда и/ч., дав/рак: М4896, "Тойота RAV4" русумли носоз; **3.** Бошланғич баҳоси – 50 004 700 сўм, 1996 йилда и/ч., дав/рак: М6050, "ФОРД" русумли носоз; **4.** Бошланғич баҳоси – 37 946 700 сўм, 2008 йилда и/ч., дав/рак: М7210, "ISUZU SAZ NP 37" русумли носоз; **5.** Бошланғич баҳоси – 37 946 700 сўм, 2008 йилда и/ч., дав/рак: М7211, "ISUZU SAZ NP 37" русумли носоз; **6.** Бошланғич баҳоси – 37 327 500 сўм, 2008 йилда и/ч., дав/рак: М7933, "SAZ NPR 66LL" русумли носоз автотранспорт воситалари.

Аукцион савдоси 2015 йил 24 ноябрь кўни соат 11:00 да ўтказилади.

II. Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан: **1.** 08.05.2015 йилдаги 17482/9-сонли ижро ҳужжатига асосан, "Автомато-Хаваскор Ганга сервис" МЧЖ автоуловларни саклаш майдонида сакланаётган: 2013 йилда и/ч., дав/рак: 01/6381ТА, "Матиз" русумли автотранспорт воситаси савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 30 636 368 сўм. **2.** 21.08.2013 йилдаги 403/13-сонли ижро ҳужжатига асосан, "Автомато-Хаваскор Ганга сервис" МЧЖ жарима майдончасида сакланаётган: бошланғич баҳоси – 17 976 604,36 сўм бўлган, 1984 йилда и/ч., дав/рак: 01/013НВА, "Камаз-5511" русумли автотранспорт воситаси; **3.** 21.08.2013 йилдаги 403/13-сонли ижро ҳужжатига асосан, "Автомато-Хаваскор Ганга сервис" МЧЖ жарима майдончасида сакланаётган: бошланғич баҳоси – 10 748 069,25 сўм бўлган, 1990 йилда и/ч., дав/рак: 01/025НВА, "ЗИЛ-45021" русумли автотранспорт воситаси; **4.** 21.08.2013 йилдаги 403/13-сонли ижро ҳужжатига асосан, "Автомато-Хаваскор Ганга сервис" МЧЖ жарима майдончасида сакланаётган: бошланғич баҳоси – 23 616 496,97 сўм бўлган, 2006 йилда и/ч., дав/рак: 01/819СВА, "GAZ-322131-95" русумли автотранспорт воситаси савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2015 йил 10 декабрь кўни соат 11:00 да ўтказилади.

III. Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан: **21.08.2013 йилдаги 403/13-сонли ижро ҳужжати**га асосан "BEK BARAKA BIZNES AGRO" МЧЖ ҳудудидида сакланаётган: **1.** Бошланғич баҳоси – 984 416,53 сўм бўлган, 1980 йилда и/ч., дав/рак: 10/742ТТА, "GAZ-53A" русумли автотранспорт воситаси; **2.** Бошланғич баҳоси – 1 648 194,53 сўм бўлган, 1989 йилда и/ч., дав/рак: 10/743ТТА, "GAZ-5312" русумли автотранспорт воситаси; **3.** Бошланғич баҳоси – 3 385 524,18 сўм бўлган, 1980 йилда и/ч., дав/рак: 10/744ТТА, "GAZ-53A" русумли автотранспорт воситаси; **4.** Бошланғич баҳоси – 6 987 985,42 сўм бўлган, 1984 йилда и/ч., дав/рак: EP 51-18, "MT3-80" русумли трактор; **5.** Бошланғич баҳоси – 5 363 956,19 сўм бўлган, 1977 йилда и/ч., дав/рак: EP 51-16, "MT3-80" русумли трактор; **6.** Бошланғич баҳоси – 6 893 121,42 сўм бўлган, 1987 йилда и/ч., дав/рак: EP 51-07, "MT3-80L" русумли трактор; **7.** Бошланғич баҳоси – 3 172 300,84 сўм бўлган, 1984 йилда и/ч., дав/рак: EP 08-20, "T-4AL-2" русумли гусеничний трактор; **8.** Бошланғич баҳоси – 6 151 066,55 сўм бўлган, 1990 йилда и/ч., дав/рак: EP 51-91, "MT3-80U" русумли трактор савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2015 йил 14 декабрь кўни соат 11:00 да ўтказилади.

VI. Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан: **27.11.2013 йилдаги 1-316/13-сонли ижро ҳужжати**га асосан Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Чирчиқбўйи кўча-

си, 6-уй бўйича жойлашган "Нерудник" ОАЖ ҳудудидида сакланаётган: **1.** Бошланғич баҳоси – 5 845 966,05 сўм бўлган, 1993 йилда и/ч., дав/рак: 01/639WBA, "BAZ-21063" русумли автотранспорт воситаси; **2.** Бошланғич баҳоси – 9 438 248,27 сўм бўлган, 1994 йилда и/ч., дав/рак: 01/238DDA, "Дамас" русумли автотранспорт воситаси; **3.** Бошланғич баҳоси – 11 250 474,75 сўм бўлган, 1998 йилда и/ч., дав/рак: 01/9492BA, "Дамас" русумли автотранспорт воситаси; **4.** Бошланғич баҳоси – 5 069 370,52 сўм бўлган, 1989 йилда и/ч., дав/рак: 01/861QCA (10AT690), "GAZ-5201" русумли автотранспорт воситаси; **5.** Бошланғич баҳоси – 10 051 869,97 сўм бўлган, 1987 йилда и/ч., дав/рак: 01/762QCA, "ЗИЛ-431412" русумли автотранспорт воситаси; **6.** Бошланғич баҳоси – 16 819 459,74 сўм бўлган, 1979 йилда и/ч., дав/рак: 01/638WBA, "MAZ-5334" русумли автотранспорт воситаси; **7.** Бошланғич баҳоси – 22 421 849,62 сўм бўлган, 1982 йилда и/ч., дав/рак: 01/641WBA, "КАМАЗ-5410" русумли автотранспорт воситаси, (дав/рак: 01/3001AA ярим тиркамаси билан бирга); **8.** Бошланғич баҳоси – 18 094 779,24 сўм бўлган, 1982 йилда и/ч., дав/рак: 01/826WBA, "КАМАЗ-5410" русумли автотранспорт воситаси, (дав/рак: 01/3002AA ярим тиркамаси билан бирга); **9.** Бошланғич баҳоси – 8 858 188,26 сўм бўлган, 1987 йилда и/ч., дав/рак: 01/763QCA (10AQ330), "GAZ-531201" русумли автотранспорт воситаси; **10.** Бошланғич баҳоси – 438 768,51 сўм бўлган, 1960 йилда и/ч., дав/рак: 01/864QCA (10AB741), "GAZ-511" русумли автотранспорт воситаси; **11.** Бошланғич баҳоси – 1 947 457,17 сўм бўлган, 1985 йилда и/ч., дав/рак: 01/865QCA (10AT689), "GAZ-5204" русумли автотранспорт воситаси; **12.** Бошланғич баҳоси – 18 595 225,64 сўм бўлган, 1989 йилда и/ч., дав/рак: 01/866QCA, "MAZ-5551" русумли автотранспорт воситаси; **13.** Бошланғич баҳоси – 8 094 685,06 сўм бўлган, 1990 йилда и/ч., дав/рак: 01/764QCA (10AT587), "ATZ 2-7-5201" русумли автотранспорт воситаси; **14.** Бошланғич баҳоси – 22 431 016,54 сўм бўлган, 1987 йилда и/ч., дав/рак: 01/637WBA, "КААЗ-5511" русумли автотранспорт воситаси; **15.** Бошланғич баҳоси – 22 306 323,01 сўм бўлган, 1987 йилда и/ч., дав/рак: 01/635WBA, "КААЗ-5511" русумли автотранспорт воситаси; **16.** Бошланғич баҳоси – 3 552 633,83 сўм бўлган, ишлаб чиқ. йили номаълум, дав/рак: 01/863QCA (10AW739), "GAZ-52" русумли автотранспорт воситаси; **17.** Бошланғич баҳоси – 22 254 204,08 сўм бўлган, 1989 йилда и/ч., дав/рак: 01/049SBA, "MAZ-5334" русумли автотранспорт воситаси; **18.** Бошланғич баҳоси – 20 534 929,02 сўм бўлган, ишлаб чиқ. йили номаълум, дав/рак: 49-89ЕЦ, "ПК 33-01-00" русумли погрузчик; **19.** Бошланғич баҳоси – 17 036 555,64 сўм бўлган, 1982 йилда и/ч., дав/рак: йўқ, "ГВС МТТ-16" русумли кран; **20.** Бошланғич баҳоси – 16 470 350,19 сўм бўлган, 1989 йилда и/ч., дав/рак: 22-59ТГ, "Д-398 И-2 ДЗ-122А" русумли автогрейдер; **21.** Бошланғич баҳоси – 34 639 866,91 сўм бўлган, 1985 йилда и/ч., дав/рак: 85-65 EP, "K-700" русумли трактор; **22.** Бошланғич баҳоси – 123 364 080,35 сўм бўлган, 1988 йилда и/ч., дав/рак: йўқ, "ЭКГ 5А" русумли экскаватор; **23.** Бошланғич баҳоси – 80 614 151,76 сўм бўлган, 1968 йилда и/ч., дав/рак: йўқ, "ЭКГ 4Б" русумли экскаватор; **24.** Бошланғич баҳоси – 3 695 780,94 сўм бўлган, 1989 йилда и/ч., дав/рак: 95-73 ЕЦ, "T-130" русумли бульдозер; **25.** Бошланғич баҳоси – 12 195 235,60 сўм бўлган, 1990 йилда и/ч., дав/рак: йўқ, "T-130" русумли бульдозер; **26.** Бошланғич баҳоси – 110 943 943,80 сўм бўлган, 2006 йилда и/ч., дав/рак: 95-72 ЕЦ, "LIVBERIA"; **27.** Бошланғич баҳоси – 109 928 388,77 сўм бўлган, 2009 йилда и/ч., дав/рак: 95-82 ЕЦ, "T-11.0191Б-1" русумли бульдозер; **28.** Бошланғич баҳоси – 11 942 034,09 сўм бўлган, 1987 йилда и/ч., дав/рак: 06-73 ЯД, "30-2621" русумли экскаватор; **29.** Бошланғич баҳоси – 15 372 025,97 сўм бўлган, 1988 йилда и/ч., дав/рак: йўқ, "Белаз-7522" русумли автотранспорт воситаси; **30.** Бошланғич баҳоси – 6 320 885,54 сўм бўлган, 2011 йилда и/ч., дав/рак: йўқ, "ЯД-50-

ЕХ" русумли автопогрузчик; **31.** Бошланғич баҳоси – 12 657 801,08 сўм бўлган, ишлаб чиқарилган йил номаълум, дав/рак: йўқ, "ДЗ 171-1" русумли бульдозер; **32.** Бошланғич баҳоси – 12 437 102,81 сўм бўлган, 1991 йилда и/ч., дав/рак: 95-74ЕЦ, "T-170" русумли бульдозер; **33.** Бошланғич баҳоси – 83 596 905,18 сўм бўлган, 2004 йилда и/ч., дав/рак: йўқ, "Белаз-7540" русумли автотранспорт воситаси; **34.** Бошланғич баҳоси – 26 961 617,02 сўм бўлган, 1998 йилда и/ч., дав/рак: йўқ, "Белаз-7523" русумли автотранспорт воситаси; **35.** Бошланғич баҳоси – 26 961 617,02 сўм бўлган, 1998 йилда и/ч., дав/рак: йўқ, "Белаз-7523" русумли автотранспорт воситаси; **36.** Бошланғич баҳоси – 26 786 362,20 сўм бўлган, 1988 йилда и/ч., дав/рак: йўқ, "Белаз-7523" русумли автотранспорт воситаси; **37.** Бошланғич баҳоси – 13 837 397,08 сўм бўлган, 1983 йилда и/ч., дав/рак: йўқ, "Белаз-7523" русумли автотранспорт воситаси; **38.** Бошланғич баҳоси – 26 831 216,14 сўм бўлган, 1998 йилда и/ч., дав/рак: йўқ, "Белаз-7523" русумли автотранспорт воситаси; **39.** Бошланғич баҳоси – 26 831 216,14 сўм бўлган, 1998 йилда и/ч., дав/рак: йўқ, "Белаз-7523" русумли автотранспорт воситаси; **40.** Бошланғич баҳоси – 17 791 084,49 сўм бўлган, 1988 йилда и/ч., дав/рак: 13-19ЕК, "30-4111" русумли занжирли экскаватор; **41.** Бошланғич баҳоси – 1 791 638,08 сўм бўлган, 1998 йилда и/ч., дав/рак: йўқ, "Белаз-7522" русумли автотранспорт воситаси; **42.** Бошланғич баҳоси – 79 130 475,14 сўм бўлган, 2004 йилда и/ч., дав/рак: йўқ, "Белаз-7540" русумли автотранспорт воситаси; **43.** Бошланғич баҳоси – 63 177 094,38 сўм бўлган, 2003 йилда и/ч., дав/рак: 38-44НЕ, "Хундай Робекс-1300" русумли экскаватор; **44.** Бошланғич баҳоси – 58 689 544,95 сўм бўлган, 2010 йилда и/ч., дав/рак: 19-49НЕ, "LGB-680" русумли бульдозер; **45.** Бошланғич баҳоси – 13 265 718,27 сўм бўлган, 1986 йилда и/ч., дав/рак: 26-16ЕЦ, "LGB-680" русумли экскаватор; **46.** Бошланғич баҳоси – 48 789 843,83 сўм бўлган, 1982 йилда и/ч., дав/рак: йўқ, "ЭКГ-2503" русумли экскаватор; **47.** Бошланғич баҳоси – 11 798 084,83 сўм бўлган, 1982 йилда и/ч., дав/рак: 16-11ЕЦ, "30-4121" русумли экскаватор; **48.** Бошланғич баҳоси – 17 535 432,07 сўм бўлган, 1982 йилда и/ч., дав/рак: 13-97ЕК, "30-10011" русумли занжирли экскаватор; **49.** Бошланғич баҳоси – 23 989 900,88 сўм бўлган, 1988 йилда и/ч., дав/рак: йўқ, "МПК-25А" русумли кран; **50.** Бошланғич баҳоси – 109 928 388,77 сўм бўлган, 2009 йилда и/ч., дав/рак: 95-81ЕЦ, "T-110191Б-1" русумли бульдозер; **51.** Бошланғич баҳоси – 10 880 059,60 сўм бўлган, 1987 йилда и/ч., дав/рак: 38-92НЕ, "T-130М" русумли бульдозер; **52.** Бошланғич баҳоси – 2 295 096,84 сўм бўлган, 1990 йилда и/ч., дав/рак: 24-34ЕД, "ДЗ-110 МТЗ-170" русумли бульдозер; **53.** Бошланғич баҳоси – 17 791 088,49 сўм бўлган, 1987 йилда и/ч., дав/рак: йўқ, "30-4111" русумли занжирли экскаватор; **54.** Бошланғич баҳоси – 48 789 843,83 сўм бўлган, 1987 йилда и/ч., дав/рак: йўқ, "30-2503" русумли экскаватор савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2015 йил 17 декабрь кўни соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан, бир кун олдин тўхтабдириш. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмадан закатал келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUCTION" МЧЖнинг АИТВ "Илак йўли" Мировод филиалидида қўйилган ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000104996600001, МФО: 01101, ИНН: 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел: 254-69-13. **Гувоҳнома № 006795.**

2015 йил — Кексаларни
Эъзозлаш йилиКАТТА АВЛОД
ВАКИЛЛАРИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди гранти доирасида "ЭКОСАН" экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фондининг, "Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманларида яшовчи 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз қариялар ва ногиронларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш" лойиҳасининг "Кексаларни эъзозлаш — ҳар биримизнинг бурчимиз" мавзусидаги хайрия тадбири Чилонзор туманининг "Кўтарма" маҳалласида, Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Чилонзор туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда ўтказилди ва унда маҳалла фаоллари, II жаҳон уруши иштирокчилари, меҳнат фахрийлари, иштирок этди.

Тадбирда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида мамлакатимизда ҳамда туман миқёсида олиб борилаётган ишлар ҳақида "Нўғайқўрғон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Махфуза Ерматова, туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бўлим бошлиғи Эльвира Мустафиналар сўзлаб бердилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг мазкур лойиҳаси ижроси бўйича амалга оширилаётган фаолият ҳақида "ЭКОСАН" фондининг бўлим бошлиғи — мазкур лойиҳа координатори Собиржон Абдуллаев ахборот берди, мазкур тадбирга таклиф қилинган 25 нафар 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийларига хайрия ёрдами сифатида жами 2,6 млн. сўмлик эшитиш мосламаси, кўрпа-тўшақ гилофлари ва гигиена воситаларини тақдим этди.

Мазкур лойиҳа доирасида яна бир қатор учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган.

Миркарим МИРСОВУРОВ,
"ЭКОСАН" халқаро жамоат фондининг бўлим

Спорт янгиликлари

ТЕРМА ЖАМОА ТАРКИБИ
ШАКЛЛАНДИ

Пойтахтимизда фудокан каратэ-до бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яккакуршлари ва жанг санъати республика маркази ва Фудокан каратэ-до федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган турнирда мамлакатимизнинг барча ҳудудидан юз нафардан зиёд спортчи иштирок этди.

Ўзбекистон кубоги беллашувлари жорий йилнинг декабрь ойида Сербиянинг Белград шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати таъйергарлик босқичи ҳисобланади. Юсак маҳоратини кўрсатган энг кучли каратэчилар Ўзбекистон терма жамоаси таркибига жаҳон миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритишди.

Фудокан каратэ-до мамлакатимизда жадал ривожланиётган спорт турларидан биридир, — дейди Ўзбекистон Фудокан каратэ-до федерацияси раиси Шўрат Анваров. — Мамлакатимизнинг барча вилоятларида ёшларнинг мазкур спорт тури билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар

яратилган. Спортчиларимизнинг жаҳон ва қитъа миқёсидаги нуфузли турнирларда муносиб иштирок этаётгани давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътиборнинг самарасидир.

Мусобақада Шерзод Анваров, Абдулазиз Каримов, Шавкат Фуломов, Жонибек Камолов, Асрор Олимжонов, Ҳумоюн Исмоилов, Муҳаммад Жамол, Абдуваҳоб Дадабоев, Муҳаммадjon Элмаматов, Бехруз Жўрабоев, Асал Иляшева, Мухлиса Тошева, Ўғил Шолимова, Мадина Анварова, Севинч Содиқова ўз ёш ва вазн тоифаларида голиб ва совриндорлар қаторидан жой эгаллашди.

— Мазкур спорт тури билан саккиз йилдан бери мунтазам шуғулланиб келаман, — дейди голиблардан бири Мадина Анварова. — Каратэ биз кизларнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб камол топишига муҳим омил бўлмоқда. Турнирнинг қумити бахсларида голиб бўлганимдан хурсандман.



Темур Мамадаминов олган сурат

ГИМНАСТИКА — БАРЧА УЧУН

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Республика Паралимпия миллий ассоциацияси ҳамкорлигида пойтахтимизда имконияти чекланган қизлар иштирокида уюштирилган гимнастика мусобақаси "Гимнастика — барча учун" деб номланди.

Шаҳримиздаги спорт мактабларида бадий гимнастика сирларини ўрганаётган қизлар иштирок этган бахслар уларнинг ушбу спорт турини мукамал ўрганишга интилаётганликларини яққол исботлади.

Икки юз нафар ҳаваскор қизлар иштирок этган бахслар якунида голиб ва совриндорлар аниқланиб, уларга мутасаддиларнинг совринлари, эсдалик совгалари тўхфа этилди.

Ақбар Йўлдошев

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лига бахсларининг 28-тур учрашувлари доирасида "Бунёдкор" клубининг "Андижон" жамоаси дарвозасига киритган учинчи голи клуб тарихидаги беш юзинчи гол бўлди.

"БУНЁДКОР"
ЖАМОАСИНИНГ
МУВАФФАҚИЯТИ

Мамлакатимизнинг 2007 йилги чемпионати 1-турида "Қалдирғочлар"нинг илк голи Владимир Шишелов томонидан "Вобкент" жамоаси дарвозасига киритилган эди. Шундан кейин "Бунёдкор"нинг 100 голига Сервер Жепаров муаллифлик қилган бўлса, чилилик ҳужумчи Хосе-Луис Вильянуэва 200, Виктор Карпенко 300 ва Анвар Бердиев 400 голни ўз ҳисобларига ёздириб қўйишган.

"Андижон"га қарши бахсда захирадан майдонга тушишига қарамасдан иккита тўп киритишга муваффақ бўлган Достонбек Ҳамдамов эса "Бунёдкор"нинг олий лига доираси-

даги 500 юбилей голи муаллифи бўлди.

— Аввало, бугунги учрашувда эришилган ғалабадан хурсандман. Уйиндан олдин "Бунёдкор"нинг олий лигадаги урган голлари 500 тага яқинлашиб қолгани ҳақида ўйлангандим. Бироқ майдонга тушаётганимда бу статистик маълумот хотирамдан кўтарилиб кетган экан. Уйин тугагач 500 голни айнан мен урганимни мураббийларимиз айтишди. Тарихий голга муаллифлик қилиш насиб этганидан ғоятда бахтиёрман. Энди келаси йили жамоа тўпури бўлишга астойдил ҳаракат қиламан, — дейди Достонбек Ҳамдамов.

ҲАКАМЛАР РЎЙХАТИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон футбол федерациясининг ҳакамлар департаменти 2016 йил учун ФИФА реферилигига номзод энг сара ҳакамларимиз рўйхатини тақдим этди.

ФИФА реферилигига номзодларнинг ҳар йили маҳаллий футбол федерациялари томонидан тақдим этилиши одатга айланган бўлиб, ФИФА номзод тариқасида берилган ҳакамларнинг тасдиқланган рўйхатини расман маълум қилади.

2016 йилда ФИФА рефериси сифатида фалият юритидаган ўзбекистонлик ҳакамлар таркиби билан танишнинг бош ҳакамлар — Равшан Эрматов, Валентин Коваленко, Владис-

лав Цейтлин, Илгиз Танташев, Азиз Асимов, Шерзод Қосимов, Дмитрий Пислегин, қанот ҳакамлари — А.Расулов, М.Саидқосимов, Ж.Саидов, Х.Шодмонов, Р.Серазитдинов, А.Усмонов, А.Цапенко, Р.Самандаров, Т.Гайнулин, футзал ҳакамлари — Ш.Пўлатов, Ж.Қосимов, У.Пўлатов, А.Рубаков, пляж футболли ҳаками — Б.Намозов, аёл ҳакамлари — А.Сидорова, Э.Миробидова, аёл қанот ҳакамлари — З.Раҳматова, К.Середа.

Пойтахтимизда икки кун давом этган пауэрлифтинг бўйича Ўзбекистон кубогининг барча голиб ва совриндорлари аниқланди.

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Эркалар ҳамда аёллар ўртасидаги мусобақаларда асосан Тошкент шаҳри ҳамда Хоразм вилоятидан келган атлетлар ўзларининг бор имкониятларини намойиш этиб, турнир голибига айланишди. Шунингдек, бошқа вилоятлар

вакиллари ҳам тош кўтаришда алоҳида техника ва усуллар бор эканлигини кўрсата олишди.

Пойтахтлик Қудратой Тошпўлатова, Моҳира Холмўминова, Яшин Шобердиев, Достон Абдусатторовлар ўз вазн

тоифаларида тенгсиз эканликларини кўрсатишган бўлса, Хоразмдан ташриф буюрган Рўза Қўзиева, Ҳамид Ражабов, Аҳбор Боҳоров, Фарход Умрзоков, Навруз Абдурасуловларга ҳам турнир голиблиги насиб қилди. Аиникса, 65 килограммга бўлган вазн тоифасидаги пауэрлифтинг усталари бахсда кураш қизгин кечди. Нукуслик Искандар Турсунбоев ўзининг сўнгги имкониятидан унумли фойдаланиб, шохсунанинг энг юқори погонасидан жой олди.

Ботир ХҲҲАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўрта махсус, касб-хунарсан таълими бошқармаси куйидаги таълим муассасасининг вакант (бўш) бўлган директор ўринбосари лавозимига танлов эълон қилади:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
	Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари	
1	Тошкент шаҳридаги И.М.Губкин номи Россия давлат нефть ва газ университети филиали қошидаги иқтисослашган академик лицей	Бектемир тумани, Сувчи даҳаси, 84-уй

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари: академик лицей таълим йўналишларидан камид биттаси ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумот (маданият, спорт ҳамда тиббиёт соҳаси бундан мустасно), таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стаж 5 йилдан кам эмас, малакавий даражаси-катта ўқитувчидан кам эмас.

"CAPITAL REALTOR GROUP" МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

"Capital Realtor Group" МЧЖда 2015 йил 7 декабрь кунги соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига куйидаги қўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда:

1. Яккасарой туман СИБ томонидан, 2013 йил 7 февраль кунги 10-1204/23247-сонли иккоро вараксига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 158А-уйда жойлашган, ер майдони 15425 кв.м., қурилиш ости майдони 2139 кв.м. бўлган, 1 қаватли маъмурий бино. Бошланғич нархи 3 552 514 000 сўм.

Юридикдаги қўчмас мулклар билан тегишли суд ишчилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларига иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтаининг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади ва савдогар бошланғичига бир иш кун қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида катнашиш истиғида бўлган талабгорлар қўчмас

"Тошкент оқшоми" газетасининг 2015 йил 21 октябрь кунги 213-сонидан чоп этилган хабарномадаги Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин кўчаси, 116-уйда жойлашган қўчмас мулкнинг аукцион савдоси Олмазор туман СИБнинг 2015 йил 28 октябрь кунги хатига асосан тўхтатилади.

"Capital Realtor Group" МЧЖ маъмурияти.

мулк бошланғич нархининг 20% микдоридан кам бўлмаган закатат пулини тўлов ҳужжатида иккоро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда "Capital Realtor Group" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улубек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамга тўлаш лари шарт: № 2020800020492751003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент ш., Қўшбеги кўч., 18-уй. Телефон: 250-19-24. Лицензия: № АР-0017.

"Тошкент оқшоми" газетасининг 2015 йил 21 октябрдаги 213 (13026)-сонидан чоп этилган эълоннинг "Aloqabank" АЖнинг акцияларини 2015 йил 23 ноябрда "Тошкент" РФБнинг биржа савдоларига чиқариладиган акция пакетлари рўйхатига тузатиш киритиш тўғрисида

"Тошкент оқшоми" газетасининг 2015 йил 21 октябрдаги 213 (13026)-сонидан чоп этилган эълоннинг "Aloqabank" АЖнинг акцияларини 2015 йил 23 ноябрда "Тошкент" РФБнинг биржа савдоларига чиқариладиган акция пакетлари рўйхатининг 6-устунидаги "1 дон ақциянинг таклиф этилаётган бошланғич нархи (АҚШ долларлари)" деган сўзлар "1 дон ақциянинг таклиф этилаётган бошланғич нархи (АҚШ центи)" деб ўқилсин.

Тошкент оқшоми

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95 факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 6168 нускада босилди. Қозғоқ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почтаменти"га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқхонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ

Тиббиёт

МИЛЛИЙ ЭМЛАШ
ЖАРАЁНИДА ЯНГИ
ВАКЦИНА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Перевнар 13 пневмококка қарши вакцинасининг амалиётга жорий этилиши пневмококк инфекциясининг олдини олишда ишончли қадам" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, Бош давлат санитария шифокори С.Сайдалиев, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини бажарувчи О.Ғўзалов ва бошқалар Ўзбекистонда тиббиёт тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, юқумли касалликларга қарши кураш ва уларнинг олдини олиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганини таъкидлаб ўтишди.

Юртимизда тиббиётнинг барча йўналишлари қаторида санитария-эпидемиология хизмати йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Ўткир юқумли касалликларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш соғлом ва баркамол авлодчи вояга етказишда яна бир муҳим қадам бўлади.

Мамлакатимизда миллий эмлаш тақвими яратилиб, ўн саккиз ёшгача бўлган болалар ўндан ортик касалликка қарши эмланмоқда. Бундай кенг қўламли чора-тадбирлар натижасида илгарилари болалар соғлиғига жиддий таҳдид туғдирган безга, дифтерия, полиомиелит, қочшол, қизамик, ва қизилча каби ўта хавфли ва юқумли касалликлар қатор йиллар давомида рўйхатга олинмади.

Миллий эмлаш тақвимида киритилган иммунопрофилактика тадбирларига кетадиган маблағлар давлат бюджетидан молиялаштирилмоқда. Жорий йилда ушбу мақсадлар учун 13 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилди. Аҳоли орасида ўткир ичак касалликлари билан касалланишни камайтириш мақсадида 2014 йилдан бошлаб ротава-рус инфекциясига қарши эмлаш амалиётга кири-тилди.

Пневмококк ўпка, мия ва юрак қобиғи, қулоқ, бурун бўшлиқлари, нафас йўллари, бўғимлар яллиғланиши каби оғир хасталиклари келтириб чиқарувчи хасталиқдир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш маълумотида кўра, ҳар йили дунёда ушбу касалликдан 1,6 миллион аҳоли, шу жумладан 800 минг нафар беш ёшгача бўлган болалар нобуд бўлмоқда.

Бугунги кунда дунё тиббиётида ушбу касалликни даволашда қўлланиладиган антибиотикларнинг замонавий турлари яратилган бўлсада, касалликнинг антибиотикларга чидамли турлари пайдо бўлаётгани профилактика ишларини янада кучайтиришни тақозо этаётди. Бундан келиб чиқадики, фақат вакцина орқали пневмококк касалликларининг олдини олиш мумкин.

Хозирги кунда дунёнинг 45 давлатларида ушбу касалликка қарши эмлаш йўлга қўйилган ва бу касаллиқни кўрсаткичини камайтиришга ёрдам бермоқда.

Ўзбекистонда пневмококка қарши янги вакцинани амалиётга жорий этишга алоҳида таъйергарлик қўрилди. Саккиз мингдан ортик ўрта тиббиёт ходимлари эмлаш ишларини амалга ошириш бўйича махсус тайёргарликдан ўтди. Эмлаш тадбирлари икки, уч ва ўн икки ойлик болалар ўртасида ўтказилди.

— Касаллик ҳаво орқали юқади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош эпидемиолог Нурмат Отабоев. — Пневмококк касаллигининг яширин даври уч кунгача давом этади. Инфекция иммунитетни заиф болаларга хавф туғдиради. Вакцина болаларда касалликка қарши кучли иммунитет ҳосил қилади. Ушбу касалликдан ҳимояланишнинг биргина йўли болани эмлатишдир.

Эмлаш ишларини амалга оширишда фойдаланиладиган, жаҳон тиббиёти амалиётда кенг қўлланилаётган энг самарали эмлаш воситалари мамлакатимизга олиб келиниб, тегишли тартибда тиббий лаборатория синовларида ўтказилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мувофиқлик сертификати билан кафолатланади ва жойлардаги эмлаш пунктларига етказиб берилди.

Матбуот анжуманидан сўнг тадбир иштирокчилари Юнусобод туманидаги 51-оилавий поликлиникада бўлиб, эмлаш ишларига қўрилган таъйергарлик жараёни билан танишишди.

Гулчехра ДУРДИЕВА



си — 3-5, кундузи 6-8 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, Тошкент шаҳрида 5 ноябрда Тошкент шаҳ- 5 ноябрь кунги ҳаво ўза- рининг об-ҳаво шароити- риб туради, ёмғир ёғади. шаҳар ҳаво муҳитида за- Ғарбдан секундида 5-10, рали моддаларнинг бир оз- кучайган ҳолда секундида йилгилишга имконият яра- 12-17 метр тезликда ша- тади, ифлосланиш дара- мол эсади. Ҳарорат кеча- жаси паст бўлади.